

**«Газганмрамор» ОАЖнинг 2016 йил 1 январдан 31 декабргача қадар
булган давр учун тузилган молиявий ҳисоботларига МЧЖ «ASL
MOLIYA TAXLIL» аудиторлик ташкилоти Навоий вилоят филиали
томонидан берилган**

АУДИТОРЛИК ХУЛОСА

«ASL MOLIYA TAXLIL» аудиторлик ташкилоти Навоий вилоят филиали Навоий шаҳри Навоий кучаси 30 А уйда жойлашган. Тошкент шаҳар АИТБ «Ипотека банк» МФО 00837 х/р 20208000404660703001 ИНН 206938396. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигидан 2009 йил 23-декабрда берилган 00702 рақамли лицензия билан фаолият курсатиб келмоқда.

«Газганмрамор» ОАЖ ти Нурота туман Гозгон қургонида жойлашган. «Газганмрамор» ОАЖ билан МЧЖ «ASL MOLIYA TAXLIL» аудиторлик ташкилоти Навоий вилоят филиали уртасида 2017 йил 12 апрелда тузилган № 9 рақамли шартномага асосан «Газганмрамор» ОАЖнинг 2016 йилги молиявий ҳисобот даврига аудиторлик текшируви утказилди. Аудит текшируви аудитор А.Мирзакулов томонидан амалга оширилди.

Аудиторлик текширувидан утказиладиган молиявий ҳисоботнинг таёрланиши ва ҳаққонийлиги учун ҳужалик юритувчи субъектнинг раҳбарияти жавобгар ҳисобланади. Аудиторлик ташкилоти берган хулосаси учун жавоб беради.

Биз аудиторлик текширувини АФМА га асосан утказдик.

Ушбу андозалар биз фойдаланувчиларни молиявий ҳисобот жиддий бўзилишларга эга эмаслигига етарлича ишонч билан таъминлашимиз кераклигини такоза этади. Аудиторлик текшируви ҳаққонийликни ва молиявий ҳисобот ҳамда бошқа молиявий ахборотнинг қонун ҳужжатларига, шунингдек молиявий ҳужалик фаолиятининг ҳақиқий ҳолатига мувофиқлигини баҳолашга асосланади. Биз томонимиздан утказилган аудиторлик текшируви фикрни ифодалаш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Бизнинг фикримизча ҳужалик юритувчи субъект «Газганмрамор» ОАЖ нинг молиявий ҳисоботи унинг молиявий аҳволини ҳаққоний ақс эттиради ва мазкур ҳужалик юритувчи субъект амалга оширган молиявий ва ҳужалик операциялари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ келади.

«ASL MOLIYA TAXLIL»

аудиторлик ташкилоти

Навоий вилоят филиал директори:

2017 йил 26 апрел.

А.Мирзакулов.